

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДОНАЕВ ХУСНИДДИН АБДИОЛИМОВИЧ

**ҚОРА-ОЛА ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИК, ТЕХНОЛОГИК, ПУШТДОРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш,
селекцияси ва генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Донаев Хусниддин Абдиолимович

Қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг маҳсулдорлик,
технологик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш 3

Донаев Хусниддин Абдиолимович

Совершенствование продуктивных, технологических,
воспроизводительных свойств коров черно-пестрой и
голландской пород 17

Donaev Khusniddin Abdiolimovich

Improvement of productive, technological, reproductive features
of black and mottled and gollands cows 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ДОНАЕВ ХУСНИДДИН АБДИОЛИМОВИЧ

**ҚОРА-ОЛА ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ
МАҲСУЛДОРЛИК, ТЕХНОЛОГИК, ПУШТДОРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.02.01 – Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш,
селекцияси ва генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx313 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аширов Муродилла Эшонқулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзибоев Нураддин Рахимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Қахромонов Боймахмат Абдиазизович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 –рақамли Илмий кенгашнинг 2018 «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Р.Умаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.-х.ф.д., катта илмий ходим

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.-х.ф.н., доцент

Қ.Ж.Шакиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., қ.-х.ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қорамолчилик етакчи ўринни эгалламоқда. «...мазкур соҳа ривожланган АҚШ, Германия, Голландия, Канада, Япония, Исроил ва Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, сунъий қочиришда ирсий имкониятлари юқори наслдор буқалардан кенг фойдаланиш, уларни тўла қийматли озиклантириш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш ва сермахсул зотларни урчитишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада сутбоп подаларда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ошмоқда ва уларнинг замонавий соғиш ускуналарига мослашиш даражаси яхшиланмоқда»¹.

Дунёда сут маҳсулдорлик йўналишидаги қорамол зотларини танлаш, жуфтлаш ва урчитишда зотларни яхшиловчи насл тоифасига эга наслдор буқалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Сигирларнинг сут маҳсулдорлигини яхшилаш, уларнинг сермахсул оилаларини яратиш ва сутбоп подалар гуруҳини шакллантиришга қорамол зотларининг асосий селекция белгиларини такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Бунда сунъий қочиришда яхшиловчи наслдор буқалардан фойдаланиш ва сут ишлаб чиқаришда қора-ола ва голштин зотли сигирлардан сутбоп подаларни яратиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда сўнги йилларда кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чорвачиликни илмий асосда ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлигини янада оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, селекция-наслчилик ишларини яхшилаш, зотларнинг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш, уларнинг сермахсул янги линияларини, оилаларини, типларни яратиш вазифалари белгиланган². Бугунги кунда республикамизда бош сони жиҳатидан қора-ола зотли қорамоллар бошқа зотлар орасида биринчи ўринни эгаллайди, сигирларининг сут маҳсулдорлиги бўйича ҳам етакчи зотлардан бири ҳисобланади. Голштин зоти эса дунёда, шу жумладан республикамизда сигирларининг сут маҳсулдорлиги жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди. Шунга қарамадан сутдор қорамолчиликда бу икки етакчи зотнинг насл, маҳсулдорлик, технологик, пуштдорлик хусусиятларини янада такомиллаштириш, ирсий имкониятларидан кенг фойдаланиб уларни тўлиқ юзага чиқариш муҳим вазифалар бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони

молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги, 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ 2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қора-ола ва голштин зотли қорамолларнинг маҳсулдорлигини такомиллаштириш, сигирларнинг елин ва пуштдорлик кўрсаткичларини яхшилаш, сигирларнинг юқори маҳсулдор подаларини яратиш, зотларни ирсий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича республикамизда ва хориж давлатларида бирқатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва олинган натижалар амалиётга жорий этилган. Хориж олимлари Л.К. Эрнст, Н.И. Стрекозов, П.Н. Прохоренко, А.И. Бич, А.В. Егизарян, И.М. Дунин, Л.С. Жебровский, С.Ф. Погодаев, Б.П. Завертяев, М. Буабдаллах ва республикамиз олимлари Ш.А. Акмалхонов, У.Н. Носиров, М.И. Аширов, Х.С. Мухитдинова, Б.У. Хидиров, А.А. Раҳмонқулов ва Б.К. Бобоев илмий-тадқиқот ишларида қора-ола ва голштин зотли қорамолларнинг насл, маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштириш самарадорлиги аниқланган. Аммо айни пайтда, қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, елинининг технологик хусусиятларини такомиллаштириш, пуштдорлик кўрсаткичларини яхшилашнинг илмий-амалий асослари етарлича ўрганилмаган.

Бу йўналишда тадқиқотлар республикамизда етакчи зотлар ҳисобланган қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражасини, сутининг сифат кўрсаткичларини, елинининг морфологик хусусиятларини ва соғиш ускуналарига яроқлилигини ҳамда пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш имкониятини беради, бу эса ўз навбатида сермахсул сутбоп подалар яратиш, зотларнинг ирсий салоҳиятидан кенг фойдаланиш имкониятларини оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг ҚХАЁ-8-003-2016 «Паратипик омиллардан фойдаланиб сигирларнинг сермахсул селекция подасини яратиш (2016-2017 йй.)» ёш олимлар амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг маҳсулдорлик, технологик, пуштдорлик хусусиятларини сервис-даври муддатлари, тирик вазни, йил фасллари ва елин шаклларига боғлиқ ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сигирларнинг 305 кун лактация даври давомида сут маҳсулдорлиги ҳамда сутининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш;

сигирларнинг сервис-даври муддатларига сут маҳсулдорлик даражасини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

сигирлар елинининг технологик хусусиятлари асосида сут маҳсулдорлигини ўрганиш;

тажриба подаларидаги сигирларнинг экстерьерери, тирик вазни ва йил фаслларига боғлиқ ҳолда сут маҳсулдорлик даражасининг ўзгаришини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қора-ола ва голштин зотли турли лактациялардаги сигирлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутининг сифати, экстерьер, пуштдорлик, елинининг технологик кўрсаткичлари ва бошқа селекция белгилари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида зоотехникавий (сут миқдори, сутдорлик коэффициенти, экстерьерери, лактация эгри чизиги, озуқаларнинг сут билан қопланиши), биологик (клиник кўрсаткичлари, иссиққа чидамлилиқ индекси), биометрия (ўртача арифметик кўрсаткич ва хато, ўзгарувчанлик коэффициенти) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг фермер хўжаликлари шароитида сут маҳсулдорлиги турли омилларга боғлиқликда ўрганилиб, мақбул муддатларда аниқланган;

сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг сервис-даври муддатларига, тирик вазни ва елин шаклларига боғлиқлиги аниқланган;

сигирларнинг маҳсулдорлик, технологик, пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда сервис-даврининг мақбул муддатлари аниқланган;

амалий селекция ишларида сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришда турли омиллардан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланган;

голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга селекция подаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Тадқиқотлар натижалари асосида тажриба подаларида сигирларнинг маҳсулдорлигини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштириш усули ишлаб чиқилган;

қора-ола зотли сигирларнинг юқори сут маҳсулдорлигини таъминловчи сервис-даврининг мақбул муддати аниқланган;

голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳиятини юзага чиқаришда мақбул тирик вазни, йил фасллари, елин шакли аниқланган;

сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга голштин зотли сигирларнинг «насл ўзаги» ва «буқа етиштирувчи» гуруҳи яратилган;

тадқиқотлари натижасида ҳар 1 бош қора-ола зотли сигирдан олинган соф фойда 1 001 966-1 448 105 сўмни, голштин зотли сигирлардан 2 225 762-3 335 451 сўмни ташкил этган, иқтисодий самарадорлик мос равишда 18,2-30,5% ва 35,5-40,9 % га баробар бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда замонавий услуб ва воситалардан фойдалангани, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолангани, олинган маълумотлар математик-статистик ишловдан ўтказилгани, жорий этиш тадбирлари далолатномалар билан асослангани тадқиқот натижалари амалиёга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражасини, технологик ва пуштдорлик хусусиятларини, мақбул сервис-даври муддатлари, тирик вазни кўрсаткичлари, йил фасллари, елин шаклларидан фойдаланиб такомиллаштириш усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти республикада етакчи зотлар ҳисобланган қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг асосий селекция белгиларини такомиллаштиришда ва сут маҳсулдорлик даражасини оширишда аниқланган мақбул сервис-даври муддатларидан, тирик вазни, йил фасллари, елин шакллари кўрсаткичларидан фойдаланиш усули ишлаб чиқилган, у синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қора-ола ва голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик, технологик ва пуштдорлик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

қора-ола зотли сигирлар учун аниқланган мақбул сервис-даври муддатлари ва юқори маҳсулдор сигирлар подаси Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Абдулла» наслчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 02/027-272-сон маълумотномаси). Натижада III ва ундан юқори лактацияга эга қора-ола зотли сигирларда мақбул сервис-даври 46-90 кунни ташкил этган ва сут маҳсулдорлиги 499-881 кг-га юқори бўлишига эришилган;

голштин зотли сигирларнинг сермахсул селекцион подаси Оққўрғон туманидаги «Хонтемир» наслчилик фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 02/027-272-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида голштин зотли ҳар бош сигирнинг иқтисодий самарадорлиги I лактация даврида 2 225 762 сўм ва III лактация даврида эса 3 335 451 сўмни ташкил этган;

Оққўрғон туманидаги «Хонтемир» наслчилик фермер хўжалигида хориждан келтирилган голштин зотли сигирлардан сут маҳсулдорлиги ва ёғлилиги юқори бўлган «насл ўзаги» ва «буқа етиштирувчи» гуруҳ

сигирларининг селекцион подаси яратилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 02/027-272-сон маълумотномаси). Натижада юқори сут микдорига ва тирик вазнга ҳамда сутдаги ёғ 4% ва ундан юқорига эришганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 2-та Халқаро ва 2-та республика илмий-амалий конференцияларда, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти ва ЎзҚХИИЧМда тузилган махсус комиссиялар томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация иши суддор қорамоллар селекцияси бўлимининг йиғилишида, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хусусий тадқиқотлар натижалари, хулосалар фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг мавзусининг долзарблиги асосланган, адабиётлар шарҳи келтирилган, тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва услублари, объекти ва предмети ёритилган. Илмий-техникавий дастурлар устувор йўналишларга мос келиши қайд қилинган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ҳамда амалий ахамияти, объекти ва предмети, усули баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, чоп этиш ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Сигирларнинг сут махсулдорлигига таъсир этувчи омиллар ва махсулдорлик хусусиятларини асослари**» деб номланган биринчи бобида сутбоп подаларда сут ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда қорамол зотларининг ахамияти, сигирларни тўла қийматли озиклантиришни ўрни, янги тукқан сигирларни серсут қилишнинг ахамияти, махсулдорликнинг экстерьер ва тирик вазнга ўзаро боғлиқлиги, сигирлар елинининг технологик кўрсаткичлари ва пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш асосларига оид илмий адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Кўплаб муаллифларнинг илмий маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқотларни ўтказиш жойи, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган. Илмий тадқиқотлар 2012-2016 йилларда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги «Абдулла» наслчилик фермер хўжалиги подасида қора-ола сигирларда ва ушбу туманнинг «Хонтемир» наслчилик фермер хўжалиги

подасида голштин зотли сигирларда ўтказилган. Тадқиқотларда қора-ола зотли сигирларнинг сервис-даври давомийлигига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги ва сутининг сифат кўрсаткичлари, ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулотлари чиқими, экстерьер, клиник ва иссиққа чидамлик, пушторлик кўрсаткичлари, елин хусусиятлари ва бошқа белгиларини ўрганиш натижалари баён этилган. «Хонтемир» фермер хўжалиги подасида голштин зотли турли лактациялардаги сигирларнинг хусусиятларнинг тирик вазни, елин шакллари, йил фасллари билан ўзаро боғлиқликда ўрганиш усуллари ҳамда озукани сут билан қоплаш хусусиятлари ва бошқа натижалар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Хусусий тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилади. Диссертациянинг тўртинчи бобида голштин зотли турли лактациялардаги сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда ўрганиш натижалари келтирилади.

Тадқиқотларда Оққўрғон туманидаги «Абдулла» фермер хўжалиги подасида III ва ундан юқори лактациялардаги қора-ола зотли II гуруҳдаги 46-90 кун сервис-даврига эга сигирлар I гуруҳдаги 45 кунгача ва III гуруҳдаги 91 кун ва ундан юқори сервис-даври давомийлигига эга сигирларга нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлди (1 жадвал).


1-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги қора-ола зотли III ва ундан юқори лактациясидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	Cv,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	Cv,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	Cv,%
Сут миқдори, кг	4974,5±169,4	10,2	5473,5±156,3	8,57	4592,0±182,7	11
Сут таркибидаги ёғ, %	3,87±0,02	1,59	3,85±0,02	1,92	3,88±0,02	1,9
Сут ёғи чиқими, кг	192,5±5,69	8,87	210,7±5,69	8,10	178,2±6,2	9,0
4 %- ли сут миқдори, кг	4807,7±142,0	8,87	5268,0±142,1	8,09	4454,2±154,8	9,6
Сутдорлик коэффициенти, кг	1023,5±51,5	14,9	1123,2±18,7	5,01	948,7±30,9	8,0
Қурук модда,%	12,36	-	12,34	-	12,37	-
Ёғсизлангирлан курук сут колдиги,%	8,65	-	8,65	-	8,66	-
Сут қанди, %	4,49	-	4,50	-	4,50	-

Жадвал маълумотларининг таҳлилидан II гуруҳ сигирларида сут миқдори I ва III гуруҳ тенгқурлари кўрсаткичларидан тегишли тарзда 499,0 кг (10,0 %) ва 881,5 кг (19,2 %), сут ёғ чиқими 18,2 кг (9,45 %) ва 32,5 кг (18,24 %), 4 % -ли сут 460,3 кг (9,57 %) ва 813,8 кг (18,27 %), сутдорлик коэффициенти 99,7 кг (9,745%) ва 174,5 кг (18,39 %) юқори бўлганлиги аниқланди. Сутдорлик коэффициенти барча тажриба гуруҳларидаги сигирлар сут типига мансуб бўлганлигини кўрсатди.

Сигирларнинг соғин даврининг кечиш хусусиятларини баҳолашда лактация эгри чизиғини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга (1 расм).



1-расм. Тажриба гуруҳларидаги қора-ола зотли III ва ундан юқори лактациялардагисигирларнинг ойлик сут миқдори бўйича лактация эгри чизиғининг ўзгариши

Барча гуруҳлардаги сигирлар лактациясининг олтинчи ойигача сут миқдорини яхши даражада сақлаб, кейин уни аста-секин пасайтириб борганликлари кўзга ташланади. Тадқиқотларимизда барча гуруҳлардаги сигирлар лактацияси биртекис кечганлиги кузатилди, олинган натижалар улар яхши даражадаги сут маҳсулдорлигига эга бўлганликларидан далолат беради.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини тирик вазнига боғлиқликда ўрганилди, унинг натижалари 2-жадвалда ўз аксини топган.


2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг тирик вазнига боғлиқлиги

Тирик вазни, кг	Бош сони	Сут миқдори, кг	Сутдаги ёғ, %	Сут ёғи чикими, кг	4 %ли сут, кг
I гуруҳ					
460 кг/ча	4	5247,5±190,7	3,85±0,02	201,8±6,2	5045,0±156,5
461-480	2	4880,0±855,6	3,90±0,10	189,9±26,8	4749,7±671,3
481-520	2	4762,5±583,3	3,88±0,04	184,8±20,6	4619,6±515,3
521 кг ва ундан юқори	2	4735,0±636,3	3,87±0,06	183,2±21,7	4581,1±541,1
II гуруҳ					
480 кг/ча	4	5250±263,5	3,89±0,04	204,2±8,4	5105,6±209,8
481-500	3	5211,6±24,0	3,82±0,05	199,1±2,51	4977,1±64,4
501 ва ундан юқори	3	6033,3±40,8	3,84±0,04	231,7±3,9	5791,9±98,4
III гуруҳ					
450 кг/ча	4	4568,7±165,5	3,93±0,04	179,5±1,75	4488,7±43,5
451-470	1	4875	3,92	191,0	4777,5
471-500	1	4575	3,83	175,2	4380,6
501 кг ва юқори	4	5423,7±377,6	3,83±0,03	207,7±13,1	5193,4±327,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, I гуруҳда юқори сут маҳсулдорлиги билан 460 кг-ча тирик вазнга эга бўлган сигирлар тавсифландилар, уларнинг сут миқдори 461-480 кг, 481-520 кг ҳамда 521 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга бўлган сигирларникидан тегишли тарзда 367,5; 485,0 ва 512,5 кг, сут ёғи чиқими 11,9; 17,0 ва 18,6 кг, 4 %-ли сут миқдори 295,3; 425,4 ва 463,9 кг юқори бўлди. Аммо II ва III гуруҳларда юқори тирик вазнга эга сигирлар юқори сут маҳсулдорлигини юзага чиқардилар. Жумладан, II гуруҳда 501 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга сигирларнинг сут миқдори 480 кг-ча, 481-500 кг бўлган сигирларникидан тегишли равишда 783,3 ва 821,7 кг юқори бўлди, III гуруҳда 501 кг ва ундан юқори тирик вазнли сигирлар сут миқдори бўйича ушбу гуруҳдаги 450 кг-ча, 451-470 кг, 471-500 кг тирик вазнга эга тенгқурлариникини тегишлича 855,0; 548,7 ва 848,7 кг-гача ўзганлиги қайд қилинди. Шунга ўхшаш натижалар сигирларнинг сут ёғи чиқимини ва 4 %ли сут миқдорини таққослаганда ҳам бу кўрсаткичлар уларнинг тирик вазнига узвий боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқотларда II гуруҳдаги сигирлар ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига I ва III сигирларга нисбатан тегишлича 99,7 ва 174,5 кг сут, 91,8 ва 160,7 кг 4%-ли сут, 3,63 ва 6,42 кг сут ёғи кўп ишлаб чиқардилар, буни 2 расмдан ҳам кўриш мумкин.



2-расм. Сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут чиқими, кг

II гуруҳ сигирлари I ва III гуруҳлардаги сигирлардан таққосланаётган кўрсаткич бўйича яққол устунликка эга. Таҷриба гуруҳларидаги сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланди (3 жадвал).

3 жадвалнинг кўрсатишича, сигирларнинг озуқани сут билан қоплаш даражаси узвий равишда маҳсулдорлик кўрсаткичи билан боғлиқ. II гуруҳ сигирларида 1 кг сут ишлаб чиқаришга I ва III гуруҳларга нисбатан тегишли тарзда 5,6 ва 6,5 %, 1 кг 4 %-ли сут ишлаб чиқаришга 1,9 ва 5,4 % кам озуқа бирлиги сарфланди, лекин улар ҳар 100 озуқа бирлиги ҳисобига тегишлича 6,2 ва 6,9 % кўп табиий ёғлиликдаги сут ҳамда 5,8 ва 6,0 % кўп 4 %ли сут ишлаб чиқардилар.

3-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги сигирларни озукани сут билан қоплаш даражаси

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Лактацияда ҳар 1 бош сигирга сарфланган озукани сут бирлиги, кг	5392,4	5582,9	5005,2
Сут миқдори, кг	4974,5	5473,5	4592,0
4 %-ли сут миқдори, кг	4807,7	5268,2	4454,2
1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқаришга сарфланган озукани сут бирлиги, кг	1,08	1,02	1,09
1 кг 4 %-ли сут ишлаб чиқаришга озукани сут бирлиги, кг	1,12	1,06	1,12
Ҳар 100 озукани сут бирлигига ишлаб чиқарилди: табиий ёғлиликдаги сут, кг	92,25	98,04	91,74
4 %-ли сут, кг	89,16	94,36	88,99

«Хонтемир» наслчилик фермер хўжалиги подасида турли лактациялардаги Австриядан келтирилган голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўрганилди (4 жадвал).

4-жадвал

Голштин зотли турли лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Лактацияси			
	I		III ва ундан юқори	
	($X \pm S_x$)	Cv, %	($X \pm S_x$)	Cv, %
Сигирлар бош сони	83		49	
Сут миқдори, кг	5050,9±57,8	10,30	6890,4±182,6	18,36
Сут таркибидаги ёғ, %	4,01±0,01	2,25	4,02±0,01	1,48
Сут ёғи чиқими, кг	202,5±7,34	11,1	277,0±7,16	10,8
4 %-ли сут миқдори, кг	5063,5±186,7	11,2	6924,8±190,5	11,7
Сутдорлик коэффициенти, кг	1033,3±28,3	8,72	1038,3±30,6	8,8
Тирик вазни, кг	488,8±2,24	4,15	663,6±6,41	6,70

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Австриядан келтирилган сигирлар бизнинг шароитимизда лактациясидан қатъий назар, сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларини яхши даражада юзага чиқардилар. Жумладан, III ва ундан юқори лактациялардаги етук ёшли сигирларда сут миқдори I лактацияга нисбатан 1039,5 кг (35,4 %), сут ёғи чиқими 74,5 кг (36,8 %), 4 %-ли сут 1861,3 кг (36,7 %), сутдорлик коэффициенти 5 кг (0,5 %), тирик вазни 174,8 кг (35,8 %) ошди. Айниқса турли лактацияларда ҳам сутдорлик коэффициенти деярли бир хил даражада ва юқори бўлганлиги муҳим кўрсаткич бўлиб, бу сигирларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига юқори даражада сут ишлаб чиқарганлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар давомида четэлдан келтирилган голштин зотли сермахсул сигирларнинг селекция подаси яратилди ва бу подадаги «насл ўзаги» ҳамда «буқа етиштирувчи гуруҳ» сигирларининг сут маҳсулдорлиги ўрганилди (5 жадвал).

«Насл ўзаги» ва «буқа етиштирувчи гуруҳ» сигирларининг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни

Кўрсаткичлар	Сигирларнинг селекция подаси			
	«насл ўзаги»		«буқа етиштирувчи гуруҳ»	
	($X \pm S_x$)	C_v , %	($X \pm S_x$)	C_v , %
Бош сони	49		8	
Сут миқдори, кг	6890,4±182,6	18,36	8131,2±107,8	3,51
Сут таркибидаги ёғ, %	4,02±0,01	1,48	3,98±0,02	1,16
Сут ёғи чиқими, кг	277,0±7,16	10,8	323,6±4,19	3,42
4 % ли сут миқдори, кг	6924,8±190,5	11,7	8090,5±103,7	3,40
Сутдорлик коэффициенти, кг	1038,3±30,6	8,8	1117,7±11,8	2,78
Тирик вазни, кг	663,6±6,41	6,7	727,5±7,49	2,72

Тажриба подасида сермахсул голштин зотли сигирларнинг селекция подаси яратилди, бу сигирлар юқори ирсий салоҳиятга эга. «Буқа етиштирувчи гуруҳ» даги сигирларнинг сут миқдори «насл ўзаги» гуруҳидаги тенгқурлариникидан 1240,8 кг ($P > 0,999$) сут ёғ чиқими 46,6 кг ($P > 0,999$), 4 % ли сут миқдори 1165,7 кг ($P > 0,999$), сутдорлик коэффициенти 79,4 кг ($P > 0,99$), тирик вазни 63,9 кг ($P > 0,999$) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Тадқиқотларда олинган маълумотлар голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳияти юқори эканлигидан далолат беради.

Голштин зотли сигирлар энг сермахсул зот бўлганлиги туфайли мақбул елин хусусиятларига ҳам эга. Тажриба подасидаги I лактациядаги турли елин шаклларида эга сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўрганилди (6-жадвал).

Голштин зотли I лактациядаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигининг елин шаклларида боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Елин шакли			
	тоссимон		косасимон	
	($X \pm S_x$)	C_v , %	($X \pm S_x$)	C_v , %
Сигирларнинг бош сони	32		26	
Сут миқдори, кг	5393,6±73,9	7,62	4804,7±99,5	10,35
Сутдаги ёғ, %	4,00±0,012	1,73	4,04±0,013	1,58
Сут ёғи чиқими, кг	215,7±2,58	6,67	194,1±4,02	10,35
4 % ли сут миқдори, кг	5393,6±65,7	6,78	4852,7±100,4	10,35
Сутдорлик коэффициенти, кг	1082,8±12,65	6,53	992,7±13,6	6,86
Тирик вазни, кг	498,1±2,53	2,82	484,0±4,88	5,04

Тадқиқотлар сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси узвий равишда елиннинг шаклларида боғлиқлигини кўрсатди. 6-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, тоссимон елин шаклига эга сигирларда I лактациядаги сут миқдори косасимон елинли тенгқурлариникидан 588,9 кг ($P > 0,999$), сут ёғи чиқими 21,6 кг ($P > 0,999$), 4 % ли сут миқдори 540,9 кг ($P > 0,999$), сутдорлик коэффициенти 90,1 ($P > 0,999$), тирик вазни 14,1 кг ($P > 0,99$) юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди. Тадқиқотларда голштин зотли сигирлар лактациясидан қатъий назар, озуқани сут билан юқори даражада қопладилар (7-жадвал).

**Турли лактациядаги голштин зотли сигирларнинг озуқани сут билан
қоплаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Лактацияси	
	I	III ва ундан юқори
Лактация даврида ўртача ҳар 1 бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	5158,9	6857,5
Сут миқдори, кг	5050,9	6890,4
4 % ли сут миқдори, кг	5063,5	6924,8
1 кг табиий ёғлиликда сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,02	0,99
1 кг 4 % ли сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,02	0,99
Ҳар 100 кг озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди:		
Табиий ёғлиликдаги сут, кг	97,91	99,52
4 % ли сут, кг	101,88	99,03

Сигирлар лактациясининг ошиб бориши уларнинг нафақат юқори сут маҳсулдорлигини, балки озуқани сут билан қоплаш даражасини ҳам ошириш имконини берди. Жумладан, етук ёшдаги сигирлар ёш, I лактациядаги сигирларга нисбатан 1 кг табиий ва 4 %- ли сут ишлаб чиқаришга тегишлича 3,0 ва 3,0 % кам озуқа бирлиги сарфладилар, аммо ҳар 100 озуқа бирлиги ҳисобига 1,6 % табиий ёғлиликда сут кўп ишлаб чиқардилар.

ХУЛОСАЛАР

1. Илмий тадқиқотларда энг юқори сут маҳсулдорлигини II гуруҳдаги 46-90 кун сервис-даври давомийлигига эга бўлган қора-ола зотли сигирлар юзага чиқардилар. Бу гуруҳ сигирларининг III ва ундан юқори лактацияларда сут миқдори I ва III гуруҳлардаги сигирларникидан тегишли тарзда 499 кг ($P > 0,99$) ва 881,5 кг ($P > 0,999$), сут ёғи чиқими 18,2 ($P > 0,95$) ва 32,5 кг ($P > 0,999$), 4 %-ли сут миқдори 460,9 ($P > 0,95$) ва 813,8 кг ($P > 0,999$), сутдорлик коэффициенти 99,7 ва 174,5 кг ($P > 0,999$) юқори бўлиши аниқланди.

2. Қора-ола зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси тирик вазнига узвий равишда боғлиқлиги аниқланди. I гуруҳда тирик вазни 460-480 кг, II гуруҳда 501 кг ва ундан юқори, III гуруҳда ҳам 501 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга бўлган сигирлар энг юқори сут маҳсулдорлигини юзага чиқардилар. Олинган маълумотлар II гуруҳ сигирлари энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, 46-90 кунгача сервис-даврига эга 480 кг, 501 кг ва ундан юқори тирик вазни сигирлардан сутбоп подада фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

3. Сутбоп подада II гуруҳ сигирларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бу гуруҳ сигирларининг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига I ва III гуруҳлардаги тенгқурлариникидан тегишли равишда 99,7 кг (9,74 %) ва 174,5 кг (18,4 %) табиий ёғлиликдаги сут, 91,8 кг (9,28 %) ва 160,7 кг (17,76 %) 4 %-ли сут, 3,63 кг (9,16 %) ва 6,42 кг (17,44 %) сут ёғи кўп ишлаб чиқарилди.

4. Тажриба гуруҳларидаги сигирлар елини макбул технологик ҳусусиятларга эга бўлди. II гуруҳ сигирларининг елинининг айланаси, узунлиги, эни, олдинги ва орқа қисмларининг чуқурлиги, сўрғичлари

ўлчамлари, елин индекси I ва III гуруҳ сигирларниқидан юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди, елининиғ ҳажми тегишли тарзда 640,6 ва 805,7 см³, сут бериш тезлиги 3,82 ва 6,25 % юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Барча гуруҳлардаги сигирларнииниғ елин хусусиятлари замонавий соғиш усқуналариди соғишга яроқлилигини кўрсатди.

5. Қора-ола зотли сигирлар подасиди I лактацияда 81-90 кун сервис-даври давомийлигига 36,1 % сигир эга бўлиб, уларнииниғ сут маҳсулдорлиги 4138,2 кг-ни ташкил этди, улар шуниниғдек яхши даражадаги сут ёғи чиқимига, 4 %-ли сут миқдорига эга бўлдилар. Уларнииниғ сут миқдори қора-ола зотинииниғ андоза талабларидан 638,2 кг (65,5 %) юқори бўлди.

6. Республикамизга Австриядан келтирилган голштин зотли сигирлар барча лактацияларда сут маҳсулдорлиги бўйича юқори ирсий салоҳиятини юзага чиқардилар. III ва ундан юқори лактацияларда бу сигирларнииниғ сут маҳсулдорлиги 4,02 % ёғлиликда 6890,4 кг-ни ташкил этиб, I лактацияга нисбатан 1039,5 кг ёки 35,4 %-га кўпайди, сут ёғи чиқими 74,5 кг (36,8 %), 4%-ли сут миқдори 1861,3 кг (36,7 %), тирик вазни 174,8 кг (35,8 %) ошганлиги қайд қилинди.

7. Четдан келтирилган сигирлардан 4,02% ёғлиликдаги 6890,1 кг сут миқдорига эга «насл ўзаги» ва 3,98% ёғлиликдаги 8131,2 кг сут маҳсулдорликдаги «буқа етиштириувчи гуруҳ» сигирларнииниғ селекция гуруҳлари яратилди. Бу сигирлар сут маҳсулдорлик даражаси бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга эканлигини юзага чиқарди.

8. Голштин зотли сигирларнииниғ екстерьери мутаносиб ривожланган бўлиб, улар барча лактацияларда йирик ва чўзилувчан танага, кенг ривожланган кўкрак қафасига ҳамда сут типига эга бўлганлигини кўрсатди.

9. Тадқиқотларда подадаги сигирларнииниғ тирик вазнинииниғ ошиб бориши сут маҳсулдорлигинииниғ ҳам ошиб боришини таъминлаши аниқланди. Энг юқори сут миқдорига, сут ёғи чиқимига, 4%-ли сут миқдорига 721-750 кг, 751 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга III ва ундан юқори лактациялардаги голштин зотли сигирлар эришганлиги аниқланди.

10. Республикамиз шароитида четдан келтирилган голштин зотли сигирлар энг юқори сут маҳсулдорлигини қиш фаслида туққанда юзага чиқардилар. Қиш фаслида туққан етук ёшдаги сигирларнииниғ сут миқдори баҳор, ёз, кузда туққан сигирларниқидан тегишли тарзда 400,9, 855,3 ($P > 0,999$), 479,5 кг, сут ёғи чиқими 14,7, 35,7 ($P > 0,99$) ва 17,6 кг, 4%-ли сут 368;1072,2 ($P > 0,99$), 432 кг юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

11. Голштин зотли сигирларнииниғ сут маҳсулдорлик даражаси узвий равишда елин шаклларига боғлиқ. Тоссимон елин шаклига эга сигирларнииниғ I лактацияда сут миқдори косасимон елинли тенгқурлариниқидан 588,9 кг ($P > 0,999$), 4%-ли сут миқдори 540,9 кг ($P > 0,999$), сутдорлик коэффициенти 90,1 кг ($P > 0,999$) юқори бўлди. Подада тоссимон елин шаклига эга сигирлар салмоғини ошириш бўйича селекция ишларини олиб бориш юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЖИВОТНОВОДСТВА
И ПТИЦЕВОДСТВА**

ДОНАЕВ ХУСНИДДИН АБДИОЛИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОДУКТИВНЫХ, ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ,
ВОСПРОИЗВОДИТЕЛЬНЫХ СВОЙСТВ КОРОВ ЧЕРНО-ПЕСТРОЙ И
ГОЛШТИНСКОЙ ПОРОД**

**06.02.01 – Разведение, воспроизводство, селекция и генетика
сельскохозяйственных животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Qx313.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме) размещён на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Аширов Муродилла Ишанкулович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Рўзибоев Нурадин Рахимович доктор сельскохозяйственных наук Қахромов Боймахмат Абдиазизович кандидат сельскохозяйственных наук доцент
Ведущая организация:	Самаркандский институт ветеринарной медицины

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Qx.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz Актовый зал, 2-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за № 533966). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Центральное здание 1-этаж Информационно-Ресурсного Центра ТГАУ. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(Реестр протокола рассылки № 6 от «___» _____ 2018 года)

Ш.Р.Умаров
Председатель Научного совета по
присуждению учёной степени, д.с.-х.н.

У.Т.Данияров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени, к.с.-х.н.,
доцент

Қ.Ж.Шакиров
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёной
степени, и.о. д.с.-х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. В настоящее время в производстве животноводческой продукции в мировом масштабе скотоводство занимает ведущее место. «В наиболее развитых таких странах как США, Германия, Голландия, Канада, Япония, Израиль и странах Евросоюза совершенствованию продуктивных, воспроизводительных свойств пород крупного рогатого скота, использованию семени быков – производителей с высоким генетическим потенциалом, обеспечению полноценного кормления скота, улучшению селекционно-племенной работы и разведению высокопродуктивных пород уделяется большое внимание. В результате принимаемых этих мер продуктивность коров молочных стад увеличивается и улучшается приспособленность коров к современным высокопроизводительным доильным установкам».¹

В мире в странах с развитым скотоводством особое внимание уделяется отбору, подбору пород молочного направления и использованию быков – улучшателей с высокой племенной категорией. Улучшение молочной продуктивности коров, создание их высокопродуктивных семейств и стад обеспечивается совершенствованием основных их селекционных признаков. В достижении этих результатов актуальное значение имеет использование в сети искусственного осеменения семени быков-улучшателей и коров черно-пестрой, голштинской пород в увеличении объёмов производства молока и создании высокопродуктивных молочных стад.

